

# 2018 йил — ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir

## O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, uzss@yandex.ru • 2018 йил 5 январь • № 1 (1178)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида

Қайд этилсинки, республикада соғлом болалар туғилиши, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган замонавий перинатал марказлар ҳамда "Она ва бола скрининг" марказлари тармоғи яратилди, туғруққа ёрдам берувчи ва педиатрия муассасаларининг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳияти мустаҳкамланди, туғма ва ирсий касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ҳамда улар профилактикасининг замонавий усуллари жорий этилди.

2013-2017 йиллар даврида болалардан ногиронлар туғи-

лишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури доирасида барча "Она ва бола скрининг" марказлари ҳал қилиш имконияти юқори бўлган биокимёвий анализаторлар ва замонавий ультратовуш сканерлар билан жиҳозланди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика "Она ва бола скрининг" марказлари чақалоқларда ва кичик ёшдаги болаларда ирсий касалликларнинг кенг доирасига ташхис қўйиш учун юқори технологик анализаторлар — тандем масс-спектрометрлар билан жиҳозланди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 1,1 миллиондан орტიқ ҳомиладор аёл текширувдан ўтказилди, бу 21 минг нафардан орტიқ ривожланишида туғма нуқсонлар бўлган бола туғилишининг олдини олиш имконини берди. 1,7 миллиондан орტიқ чақалоқ туғма ва ирсий касалликлар юзасидан текширилди, 2,7 минг нафар болага ривожланишининг туғма нуқсонларини бартараф этиш юзасидан малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ва даволаш-ташхис қўйиш тадбир-

ларини, айниқса, қишлоқ жойларда бўлажак оналар ва болаларнинг соғлиғи ҳолати устидан патронаж тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, жаҳон амалиётига мувофиқ туғруққа ёрдам берувчи муассасаларнинг ва "Она ва бола скрининг" марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Оналар ва болалар соғлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни шакллантириш, ҳомиладор аёллар ва чақалоқларда патологияни барвақт аниқлаш давлат тизимини янада ривож-

лантириш, болаларда ногиронликни камайтириш, шунингдек, "Она ва бола скрининг" марказларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида:

1. 2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Куйидагилар Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари этиб белгилансин:

(Давоми 2-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Хусусий тиббиёт ташкилотларини янада ривожлантириш бўйича қўшимча шарт-шароитларни яратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги "Соғлиқни сақлаш соҳасида хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2863-сон Қарорига мувофиқ, соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини янада ривожлантириш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотларининг фаолияти учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, улар фаолиятини тартибга солиш ва лицензиялаш тизимини такомиллаштириш, кўрсатилаётган хизматлар ҳамми ва турларини оширишни рағбатлантиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлашнинг хусусий сектори томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар турлари 50 тадан 126 тага кўпайди. Стоматология ва косметология ташкилотларидан ташқари хусусий тиббиёт ташкилотлари 2022 йилнинг 1 январига бача турдаги солиқлар ва мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинадиган янги тиббиёт асбоб-ускуналари, бутловчи буюмлар, уларнинг эҳтиёт қисмлари ва зарур материаллар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларда тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида янги ташкил этиладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 10 йил мuddатга ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилиши қишлоқ ва олис

туманларда хусусий тиббиётни жадвал ривожлантириш имконини берди.

Натижада хусусий тиббиёт муассасаларининг сони 440 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 4 мингга етди.

Шу билан бирга, давлат тиббиёт муассасаларининг айрим функцияларини соғлиқни сақлашнинг хусусий секторига ўтказиш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикчилигини ривожлантириш, шунингдек, республикада ва чет элда тиббий кадрларнинг малакасини ошириш, тиббиёт ташкилотларини аккредитациялаш тизимини жорий этиш масалалари долзарблигича қолмоқда.

Соғлиқни сақлашнинг хусусий секторини ривожлантиришни янада рағбатлантириш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳамжамларини янада кенгайтириш, хусусий тиббиёт соҳасида инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Шодмонов) ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Кўчқоров)нинг давлат тиббиёт ташкилотлари функцияларини давлат-хусусий шерикчилиги асосида тадбиркорлик субъектларига ўтказиш юзасидан чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш:

ёрдамчи бўлинмалар (озик-овқат блоклари, кий ювish хона-

лари ва бошқалар) фаолиятини таъминлаш;

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аниқланадиган айрим тиббий хизматларни кўрсатиш юзасидан тақлифлари маъқуллансин.

2. 2018-2019 йилларда ҳудудларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича параметрлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ҳафталик мuddатда 2018-2019 йилларда хусусий тиббиёт ташкилотларини ташкил этиш ва фаолиятини кенгайтириш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати (кейинги ўринларда манзилли рўйхат деб аталади) ва унинг «йўл харитаси»ни мазкур қарор илова-сига мувофиқ тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси билан биргаликда манзилли рўйхат лойиҳалари ташаббускорларига улар белгиланган тартибда зарур ҳужжатларни тақдим этганда қурилишни амалга ошириш учун ер майдонлари ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмақлаштириш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда, истисно тариқасида, манзилли рўйхат лойиҳалари та-

шаббускорларига давлат мулкдаги фойдаланилмасдан турган объектларни "ноль" харид қийматида сотсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва "AKFA MEDLINE" масъулияти чекланган жамиятининг:

Тошкент шаҳрида Корея Республикаси етакчи олий тиббий таълим муассасаларидан биринчи фаолиятини ташкил этиш;

Корея Республикасининг тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда "AKFA MEDLINE" МЧЖ хусусий клиникаси негизда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва маҳаллий тиббиёт кадрлари малакасини ошириш Марказини ташкил этиш;

Корея Республикасининг илгор клиниклари ва тиббиёт марказларининг диагностика, даволаш, сервис ва менежмент масалалари бўйича тиббий хизмат кўрсатиш бўйича тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз тиббиётига жорий этиш учун улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

"AKFA MEDLINE" масъулияти чекланган жамиятининг ҳудудий филиалларини ташкил этиш бўйича тақлифлари маъқуллансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Юсупалиев) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Набиев) ҳамда "AKFA MEDLINE" МЧЖ (Нигманов) билан биргаликда бир ой мuddатда мазкур қарорнинг 4-

бандида назарда тутилган тақлифларни амалга ошириш бўйича дастур лойиҳасини (Йўл харитасини) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

6. 2018 йил 1 январдан бошлаб, мулкчилик шаклидан қатъи назар, тиббиёт ташкилотларида ишловчи шифокор-пенсияонерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланаши белгилансин.

7. "Асака" акциядорлик-тижорат банки (Муллажонов) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Юсупалиев) билан биргаликда бир ой мuddатда "Асака" акциядорлик-тижорат банки қошидаги нодавлат тиббиёт муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг қуйидаги харажатлар нисбатини назарда тутадиган фойдаланиш тартибини тасдиқласин:

беш фоиз — юқори малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ва хусусий тиббиёт ташкилотлари шифокорларини хорижий мамлакатларга малака ошириш учун боришига;

тўқсон беш фоиз — хусусий тиббиёт ташкилотларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда республиканинг ҳар бир ҳудуди учун 1 миллион АҚШ доллари миқдорига дотациялар ҳамжамини назарда тутган ҳолда, "Асака" акциядорлик-

(Давоми 3-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида

"Она ва бола скрининг" марказларини юқори технологик диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реагентлар ва зарур материаллар билан жиҳозлаш орқали уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ҳомилдорликнинг дастлабки уч ойда аёлларни марказий кўп тармоқли туман (шаҳар) поликлиникаларида туғилган олддин оммавий текшириш ва хавф гуруҳига кирадиган ҳомилдор аёлларда генетик синдромларни биокимёвий текширишни босқичма-босқич жорий этиш йўли билан ҳомилада туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш ва уларга барвақт ташхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

ҳомилада ва кичик ёшдаги болаларда хромосом синдромлар диагностикасида лаборатория диагностикасининг замонавий усулларини, шу жумладан, цитогенетик ва молекуляр-ци-

тогенетик технологияларни жорий этиш;

болаларда ирсий касалликларга барвақт ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш орқали чақалоқларни оммавий текшириш, шунингдек, бемор болаларни дори воситалари ва даволайдиган овқатлар билан таъминлаш орқали ирсий касалликларни доволаш самарадорлигини ошириш;

"Она ва бола скрининг" марказларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва амалий соғлиқни сақлашга замонавий жаҳон тажрибасини жорий этган ҳолда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Нукус, Бухоро, Самарқанд ва Фарғонадаги "Она ва бола скрининг" марказларида минтақалараро цитогенетик лабораториялар ташкил этиш, уларни юқори технологик тиббиёт диагностика ускуналари билан жиҳозлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Ўзбекистон Республикаси

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари билан биргаликда яшаш жойларида, маҳаллаларда ва таълим муассасаларида туғма ва ирсий касалликларнинг олдини олиш, соғлом оилани шакллантириш, она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш масалалари бўйича тушунириш ва профилактика ишларини мунтазам ўтказиб борсин;

"Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси билан биргаликда Давлат дастурининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишни устидан мувофиқлаштириш ва назоратни таъминласин;

ҳар чорақад Давлат дастурининг бажарилиш жараёнини кўриб чиқсин ва зарурат бўлганда унинг самарали бажарилишини таъминлаш масалалари бўйича белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига

таклифлар киритсин.

5. Белгилансинки, Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси ва халқаро молиявий ташкилотлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Давлат дастурини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланмаган бўйича олиб қилинадиган Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайдиган юқори технологик диагностика тиббиёт ускунаси, бутловчи буюмлар, реагентлар, зарур материаллар, болалар доволовчи овқати, дори воситалари 2023 йил 1 январьгача бўлган муд-

датда божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда аҳоли орасида туғма ва ирсий касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш зарурлиги тўғрисида кенг тушунириш ишларини ташкил этсин.

8. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. С. Касимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. В. Ахмалов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2017 йил 25 декабрь

(Давоми. Боши  
1-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига ШАРҲ

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат ижтимоий сиёсатининг стратегик йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йилларда узок мuddатли самарага – миллатнинг генофондини яхшилашга, оилада тиббий маданиятни, аҳоли ҳаёти сифатини оширишга ва узок умр кўришига эришиш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Мана шу туфайли "Соғлом она – соғлом бола" концепцияси ҳамда Она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш миллий модели, шу жумладан, чет элда умумэтироф этилди.

Чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида "Она ва бола скрининг" республика ва худудий марказлари замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари билан жиҳозланди, бу эса кенг доирадаги ирсий касалликларнинг профилактикаси ва уларни даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг оғир ногиронликка ва ўлимга олиб келадиган ирсий касалликлар ва ривожланмаган туғма нуқсонлар билан туғилиши хавфи даражасини камайтириш имконини берди.

2013-2017 йилларда соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини даражасида 2,1 миллиондан ортик ҳомилдор аёл текширилди, уларнинг 65 миң нафаридан ҳомилдор ривожланишининг туғма нуқсонлари аниқла-

ниши муносабати билан ҳомилдорлик тўхтатилди.

Скрининг марказларида 1,1 миллиондан ортик ҳомилдор аёл туғилгача бўлган давр текшириладиган ўтказилди. Улардан ҳомилдорлик даври патологик кечган 210 миң нафардан ортик аёл дори-дармонлар билан даволанди. Умуман олганда, ҳомилдор аёлларни туғилган олдин текшириш натижасида 21 миң нафардан ортик ривожланишида туғма нуқсонлар ва ирсий касалликлар бўлган бола туғилишининг олдини олиш имконини берди.

1,7 миллиондан ортик чақалоқлар гипотиреоз ва фенилкетонурия (туғма ва ирсий касалликлар) юзасидан текширилди. Ҳозирги вақтда 1407 нафар бемор диспансер назорати остида турибди, шундан кейинчалик ногиронликка олиб келиши мумкин бўлган прогрессив касалликларнинг олдини олиш мақсадида туғма гипотиреозга чалинган 1117 нафар бола доимий равишда бепул дори-дармонлар билан, 290 нафар фенилкетонурияга чалинган бола даволайдиган озик-овқат билан таъминланган.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида туғма аномалияли болалар туғилишининг интенсив кўрсаткичи 2000 йилга нисбатан 1,8 бараварга камайди.

Шу билан бирга, тиббий генетика ривожланишининг ҳозирги босқичи бўлажак оналар ва болаларга ихтисослаштирилган юқори технологик ёрдам кўрсатиш учун скрининг марказларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни, сифат

жиҳатида яхшилашни тақозо этмоқда.

Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, туғруққа ёрдам берувчи муассасалар ва скрининг марказларининг кадрлар салоҳияти ва моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2018-2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Қарор қийинчиликлари назарда тутгани:

юқори технологик диагностика тиббиёт ускуналари, бутловчи буюмлар, реагентлар ва зарур материаллар билан жиҳозлаш орқали скрининг марказларининг моддий-техника базасини яхшилаш;

ҳомилдорликнинг дастлабки уч ойда аёлларни марказий кўп тармоқли туман (шаҳар) поликлиникаларида туғилган олдин оммавий равишда текшириш ва хавф гуруҳига кирадиган ҳомилдор аёлларни генетик синдромларга биокимёвий текшириш босқичма-босқич жорий этиш йўли билан ҳомилада туғма ва ирсий касалликлар профилактикаси ва барвақт ташхис қўйиш чора-тадбирларини такомиллаштириш;

лаборатория диагностикасининг замонавий усулларини, шу жумладан, ҳомилада ва кичик

ёшдаги болаларда хромосом синдромларга ташхис қўйишда цитогенетик ва молекуляр-цитогенетик технологияларни жорий этиш;

болаларда ирсий касалликларга барвақт ташхис қўйиш усулларини такомиллаштириш орқали чақалоқларни оммавий текшириш, шунингдек, бемор болаларни дори воситалари ва даволайдиган овқатлар билан таъминлаш орқали ирсий касалликларни даволаш самарадорлигини ошириш;

скрининг марказларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш ва амалий соғлиқни сақлашга замонавий жаҳон тажрибасини жорий этган ҳолда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 31 миллион АҚШ доллари ва 90 миллион сўм ажратиб режалаштирилмоқда, улардан 28 миллион 460 миң АҚШ доллари Давлат бюджети маблағлари, 90 миллион сўм ва 2 миллион АҚШ долларидан зиёди "Соғлом авлод учун" халқаро нодавлат хайрия жамғармаси маблағларидир.

Давлат дастурини амалга ошириш:

шаҳарлар ва туманлар тиббиёт бирлашмаларининг марказий кўп тармоқли поликлиникаларида ҳомилдор аёлларнинг туғилишдан олдин оммавий ультратовуш текширувидан ўтказилишини жорий этиш;

ҳомиланин генетик синдроми бўйича хавф гуруҳини аниқлаш учун ҳомилдорликнинг эрта мuddатларида аёллар қонини босқичма-босқич биокимёвий

текширувдан ўтказиш (220 миң нафардан ортик ҳомилдор аёлни текшириш режалаштирилмоқда);

310 миң нафардан ортик аёлларни ҳомилдорликнинг иккинчи уч ойлигида туғилгача биокимёвий скринингдан ўтказиш;

тандем масс-спектрометрия усули билан ирсий алмашув касалликларини тасдиқлаш учун болаларни текшириш (18 миңдан ортик текширув);

ривожланишида туғма ногиронликка олиб келадиган нуқсонлари бўлган болалар туғилишини икки баравар камайтириш имконини беради.

Бундан ташқари, диспансер ҳисобда турган ва янгидан ҳисобга олинган ирсий касалликларга чалинган болаларни махсус даволайдиган озик-овқат ва дори-дармонлар билан таъминлаш давом эттирилади.

Режалаштирилаётган тадбирларни амалга ошириш янги туғилган чақалоқларни скрининг текширувдан ўтказишни 95 фоизгача ошириш ва болалар ногиронлигига олиб келадиган ирсий касалликларга чалинган болаларни барвақт аниқлаш бўйича диагностика ва даволаш тадбирларининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Барчага маълумки, соғлом она ва бола – жамиятнинг таянчи, шу сабабли соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, энг аввало, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.



## Республика врачлар ва фармацевтларга лицензия бериш ва аттестациядан ўтказиш маркази маълум қилади

### Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги врач ва фармацевтларга малака тоифасини бериш бўйича ихтисослашган аттестация комиссияларининг 2018 йил йиғилиш муддатлари

№	Комиссиялар номи	Аттестация ўтказиладиган сана								
1	Умумий врачлик амалиёти ва оилавий тиббиёт, тез тиббий ёрдам, оила шифокори мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	17 февраль	31 март		5 май	9 июнь	8 сентябрь	13 октябрь		1 декабрь
2	Ички касалликлар (терапия), аллергия ва иммунология, врачлик меҳнат экспертизаси, гастроэнтерология, гериатрия, диетология, нефрология, касб касалликлари, реабилитология, курортология, физиотерапия, фитотерапия, даволаш физкультураси, спорт тиббиёти, клиник фармакология, лазеротерапия мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	24 февраль		7 апрель	12 май	23 июнь	8 сентябрь		3 ноябрь	15 декабрь
3	Кардиология, интервенцион кардиология, шошилинч кардиология ва кардиореанимация, ревматология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси			14 апрель		9 июнь	22 сентябрь		24 ноябрь	
4	Гематология, трансфузиология, эндокринология, болалар эндокринологияси, оператив эндокринология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	17 февраль		28 апрель		2 июнь	29 сентябрь		17 ноябрь	
5	Умумий педиатрия, педиатрия, неонатология, болалар кардиология ва ревматологияси, болалар гастроэнтерологияси, болалар нефрологияси, болалар пульмонологияси, болалар юқумли касалликлари, ўсмир ва чақирув ёшидагилар касалликларининг врачлик экспертизаси, болалар аллергия ва иммунологияси, болалик даври иммунопрофилактикаси, педиатрида интенсив терапия (профилли ихтисосликлар бўйича), шошилинч интенсив педиатрия мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	24 февраль		7 апрель	12 май	23 июнь	15 сентябрь	27 октябрь		15 декабрь
6	Акушерлик ва гинекология, репродуктология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	24 февраль		7 апрель	12 май	23 июнь	15 сентябрь	20 октябрь	24 ноябрь	
7	Умумий хирургия, кардиохирургия, абдоминал хирургия, колопроктология, трансплантология, пластик хирургия ва микрохирургия, торакал хирургия, йирингли хирургия, урология, андрология ва сексопатология, эндоурология, хирургияда лазерли технологиялар, оператив-диагностик эндохирургия (профиллар бўйича), ангиохирургия, эндоскопия, шошилинч тиббий ёрдам мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		3 март	14 апрель	19 май	30 июнь	22 сентябрь		3 ноябрь	15 декабрь
8	Травматология ва ортопедия, болалар травматологияси ва ортопедияси, ортопедия, вертебрология, нейрохирургия, эндоваскуляр нейрохирургия, спинал (вертебрал) нейрохирургия, комбустология, рабиология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		31 март		19 май	30 июнь	22 сентябрь	27 октябрь	24 ноябрь	
9	Анестезиология ва реаниматология, интенсив терапия (профилли мутахассисликлар бўйича), кардиохирургия анестезиологияси, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси, экстракорпорал детоксикация, токсикология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		17 март	28 апрель		2 июнь	29 сентябрь		17 ноябрь	
10	Тиббий радиология, рентгенология, ультратовуш диагностикаси, компьютер томографияси, магнит-резонанс томография, ядровий тиббиёт мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		17 март		5 май	9 июнь	15 сентябрь		3 ноябрь	
11	Юқумли касалликлар, умумий гигиена ва эпидемиология, гигиена, эпидемиология, микробиология, радиацион гигиена ва радиацион хавфсизлик, микробиологик лаборатор текширувлар (бактериология ва вирусология), дезинфектология, паразитология, тиббий энтомология, ўта хавфли инфекциялар лаборатор диагностикаси, паразитар касалликлар лаборатория диагностикаси, санитар-гигиеник лаборатория текшируви, радиологик лаборатория текшируви, болалар ва ўсмирлар гигиенаси, овқатланиш гигиенаси, меҳнат гигиенаси, коммунал гигиена, радиацион гигиена, тиббий экология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	17 февраль		7 апрель	12 май	23 июнь	8 сентябрь	20 октябрь		1 декабрь
12	Умумий стоматология, болалар терапевтик стоматологияси, терапевтик стоматология, ортопедик стоматология, имплантология, юз-жағ хирургияси мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	17 февраль		14 апрель	19 май	30 июнь	8 сентябрь	20 октябрь		1 декабрь
13	Неврология, болалар неврологияси, психиатрия, болалар ва ўсмирлар психиатрияси, нарколегия, суицидология, суд-психиатрия экспертизаси, игнорефлексотерапия, нейрофизиология, мануал терапия, тиббий психология ва психотерапия мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		17 март		5 май	9 июнь	22 сентябрь		3 ноябрь	
14	Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш, валеология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		31 март		26 май		29 сентябрь		24 ноябрь	
15	Болалар хирургияси, болалар урологияси, болалар кардиохирургияси, неонатал хирургия, офтальмология, болалар офтальмологияси, кўз микрохирургияси, нейроофтальмология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		3 март	28 апрель		2 июнь	29 сентябрь		17 ноябрь	15 декабрь
16	Пульмонология, фтизиатрия, фтизиохирургия, суяк тизими фтизиатрияси, фтизиоофтальмология, дерматовенерология, тиббий косметология мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		3 март		5 май	30 июнь	15 сентябрь	20 октябрь		
17	Клиник лаборатория диагностикаси, функционал ва инструментал диагностика, болалик даври функционал ва инструментал диагностикаси, тиббий генетика мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		17 март		19 май			13 октябрь		1 декабрь
18	Умумий онкология, болалар онкологияси (кимё терапияси), фотодинамик терапия, онкохирургия, болалар онкохирургияси, нур терапияси, онкоурология, онкоофтальмология, торакал онкохирургия, онкопроктология, таянч-ҳаракат аппарат ўсмалари (хирургия), бош ва бўйин ўсмалари, кимётерапия, онкогинекология, маммология, оториноларингология, тиббий сурдология, тиббий фониятрия мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси		3 март	28 апрель		2 июнь		13 октябрь	17 ноябрь	
19	Патологик анатомия, суд-тиббий экспертиза мутахассисликлари ихтисослашган аттестация комиссияси	24 февраль		14 апрель	26 май			13 октябрь	24 ноябрь	
20	Фармация мутахассислиги аттестация комиссияси		3 март	28 апрель		23 июнь		27 октябрь		1 декабрь

Долзарб мавзу

# ОДАМ САВДОСИ — ЖАМИЯТ МУАММОСИ

**Хар бир инсон табиат неъматларидан баҳра олиб, соғлом, бахтли ва эркин ҳаёт кечирish ҳуқуқига эгадир. Ҳар ўрнида ундан ушбу ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда ўзини-ўзи асраб-авайлаш талаб этилади. Аммо сўнгги йилларда инсон шаъни, кадр-қимматини камситиб, орзу-истакларини поймол қилувчи, дунё тараққиёти учун мутлақо ёт бўлган жиноят — одам савдоси шакллана бошлади.**

Айтиш керакки, сўнгги йилларда дунёнинг қатор мамлакатларида у билан боғлиқ юзага келувчи хавф тобора глобаллашиб бормоқда. Жумладан, БМТ ва Миграция бўйича халқроқ ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларни ташкил қилади. Ачинарлиси, одам савдоси орқали инсоннинг нафақат жисмоний кучи, балки тана аъзолари, ҳатто маънавий қадриятларини ҳам пуллаш ҳолатлари кузатилаётганда. Боиси, охириги пайтларда айрим шахслар бойлик орттириш мақсадида ўз яқинлари, қариндош-уруғ, маҳалладошларини ҳам турли алдов йўллари билан чет давлатларда яши ҳақ тўланадиган ишларга жойлаб қўйишни ваъда қилиб, ноқонуний йўллари билан сотиб юбормоқда.

Табиийки, бундай ҳолатлар мамлакатимизни ҳам четбалаб ўтаётгани йўқ. Айниқса, бу борада жабрланаётганларнинг ақсариятини аёллар ташкил этиши ва уларнинг фахш ишларга мажбур қилинаётганлиги ачинарли ҳолдир, албатта. Бунинг оқибатида одам имунитети танқислиги вирусини (ОИВ) юқтириб олиш кўпаймоқ-

да. Ёмон томони, мазкур вируснинг яширин даври 6-9 йилгача давом этишини инобатга олсак, улар бу вақт мобайнида хасталик ташувчига айланади. Шунингдек, хорижга пул топиш илминда кетган эркакларнинг сотиб юборилиши, натижада нам, совуқ жойларда оғир шaroитда ишлаш, тўйиб овқатланмасликлари уларнинг турли юқумли ва сурункали касалликлар орттириб олишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги кузатиш ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз фуқаролари мажбурий ва ихтиёрий ёлланма хизмат учун Қозоғистон ва Россияга олиб чиқиб кетилмоқда. Чунки ушбу давлатларга кириб-чиқиб муносабатлари энгилроқ ва мулоқот қилиш учун тил имкониятлари яхшироқ саналади. Афсуски, одамфурушларнинг бундай гаразгўй мақсадлари "тўри"га асосан 20-25 ёшли йигит-қизлар тушиб қолмоқда. Бундан ташқари, айрим инсонларнинг ҳуқуқий саводхонлиги етарли даражада эмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Улар энгил иш топиш, қисқа вақт ичида моддий муаммоларини ҳал этиш илминда жиноят қурбонларига айланмоқда. Шу боис, мамлакатимизда аҳолининг ушбу қабиҳ

жиноятлар ҳақида хабардорлигини ошириш, ноқонуний миграция оқибатлари хусусида оғохлантириш, бу борада давлатимиз томонидан кўрилатган чора-тадбирлар билан яқиндан таништириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса ўтган 2017 йилнинг Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили деб номлангани, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари институти жорий қилиниши бу борада муҳим аҳамият касб этди ҳамда қонуний йўл билан меҳнат қилиш астидаги бўлганларга улкан имкониятлар эшигини очди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли қарори билан чет давлатларга бориб, оғир мусибатларни бошидан ўтказиб қайтаётган инсонларга ҳамхўрлик қилиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги қошида одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, марказ давлат бошқаруви, маҳаллий давлат - ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Жумладан, одам савдоси жабрдийдаларини кечиктириб бўлмайдиган тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва кулай яшаш, шахсий гигиена шарт-шaroитлари, озиқ-овқат, дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаб келмоқда. Қолавер-

са, жабрдийдалар хавфсизлигини таъминлаш, қариндошлари билан мулоқот ўрнатишида уларга кўмаклашиш ишлари ҳам ушбу марказ томонидан амалга оширилди. Хусусан, ўтган йиллар давомида реабилитация марказида 460 нафар жабрланган киши поликлиникаларда тиббий текширувлардан ўтказилиб, саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатилган.

Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш илмий-тадқиқот институти ҳамда унинг ҳудудий филиаллари, туман ва шаҳарлардаги саломатлик марказлари, даволаш-профилактика муассасалари мутахассислари ҳамкорлигида "Одам савдоси, унинг инсонлар саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солиши" юзасинда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиниб, одамларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш юзасинда тарғибот ишлари олиб борилаётганда. Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Фармонида мувофиқ қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши —

**Хулоса ўрнида айтиш керакки, бугунги тезкор ахборот-коммуникация технологиялари асрида глобаллашиб бораётган жамият муаммоси — одам савдоси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишнинг самарали чораларини кўриш лозим. Чет элда ишлаш масаласига қонуний йўллар билан ёндашиш мақсадида мувофиқ. Унутманг, ноқонуний орттирилган бойлик ўз соғлигингиз, ҳаётингиз ва оилангиз ҳаловатини йўқотишингизга арзимайди.**

**Зулхумор МУТАЛОВА,**  
Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш илмий-тадқиқот институти директори.

Нуктаи назар

# ЁШЛАР БАХТИ ТИББИЙ КЎРИККА ҲАМ БОҒЛИҚ

**Тўй ташвишларидан қўли-қўлига тегмай юрган Нилуфар дугонаси билан сўхбатлашиб, бир оз энгил тортиди. Дилноза унга ҳали тўй либоси танлаш, гўзаллик салоғини буюртма бериш каби югур-югурлар турганда, тиббий кўрик учун ҳам вақт ажратиши шарт эмаслигини айтди. Сўнг, шифохонада таниши борлиги, агар "илтимос" қилса, келинини ҳам, кўвнинг ҳам ҳужжатларини тезда тўғирлаб бериши мумкинлигини билдирди.**

Бу тақлиф қизнинг ота-онасига ҳам ёқиб тушди. Бўлажак кудалари рўйхушлик билдиргач, ҳаммасини ими-жимиди амалга оширишди. Тўй катта дабдаба билан ўтди. Икки ёш ҳавас қилса арзигулик ҳаёт бошлади. Аммо энг катта муаммо оилани янги аъзоси дунёга келиши олдида пайдо бўлди. Фарзанд қўриш арафасида тиббий кўриқдан ўтган Нилуфар боласи нуксон билан туғилишини эшитиб, кўзлари ёшланди. Шифокорлар унинг хасталикка чалинган, агар тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтиб, яхшилаб даволанганда, бундай ҳолат ўзи бермаслиги мумкинлигини таъкидлашди. Бироқ, энди кеч, боладан эса воз кечиб бўлмайдди. Бунинг устига фарзандини дунёга келтириш учун аёлнинг қуввати камлиги сабабли операция қилишга тўғри келди. Тиббий хулосалардан сўнг Нилуфарнинг энди бошқа фарзанд кўролмаслиги аён бўлди. Лоқайдлик ва бепасандлик оқибатида юз берган бу фожиадан кейин икки ёшнинг бахтига дарз кетди.

Ҳа, никоҳ ҳар бир киши

буйри қилиб белгилаб қўйилган.  
— Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказишдан мақсад оилада соғлом муҳитни шакллантириш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликка чалинган болалар туғилишининг олдини олишдан иборатдир, — дейди олий тоифали акушер-гинеколог **Нигора Курбонова**. — Шу боис, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХД) идоралари томонидан никоҳи рўйхатга олинган барча фуқаролар Оила кодексига мувофиқ тиббий кўриқдан ўтказилади. Ёшларнинг бири ёки иккисиди ҳам касаллик аломатлари аниқланса, уларнинг текширув натижаларидан хабардорлиги тасдиқланган, никоҳ қайд этилади. Бу жараёнда тиббий кўриқни ўтказган шифокор қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда кўрик натижаларининг ҳолисиги учун шахсан жавобгар бўлади. Никоҳланувчи шахслар соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўриқдан ўтади. Ёшларимизга шуни айтишни истардимки, ҳеч қачон ўз ҳаётингизга, тақдирингизга бефарқ бўлманг. Тиббий кўриқдан ўтиш, ўз соғлигингиз ва бўлажак жуфтингизнинг соғлиқини бохабар бўлишингиз келгусида соғлом оила барпо этиш, жамиятимизга соғлом, бақувват ва баркамол авлодни етиштириб беришга хизмат қилади.

Хар бир ота-она фарзандининг бахтли бўлишини истайди, албатта. Лекин қизимни тезроқ турмушга берсам, хотиржам бўлардим, деган нотўғри қараш билан қайсидир маънода ўз ҳаловатини ўйлайдиган, фарзандининг ўқишни давом эттириши ёки эгаллаган касби бўйича ишлашига тўқинлик қиладиган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Мутахассисларнинг қузатувларига кўра, 18-21 ёшгача бўлган йигит-қизлар ўртасидаги никоҳ бошқа даврдигача нисбатан кўп ҳолларда ажрим билан яқун топмоқда. Бунга эса ёш келин-куёвларнинг оиладаги баъзи мураккабликларга мослаша олмагани, бир-бирини тушунолмаб, ҳаётга энгил муносабат билан қараш сабаб бўлмоқда.

Халқимиз орасида қизларнинг катталар, айниқса, ота-она раъйига қарши бормаслиги одатга айланган, — дейди **Учтепа туманидаги "Ватанпарвар" маҳалла фуқаролар йигини раиси Мамлакат Хайдарова**. — Кўпинча эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг қайд этилишига ана шу ҳолат сабаб бўлмоқда. Бунинг олдини олиш мақсадида мактаб, коллеж ўқувчилари билан эрта турмушга чиқиш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари каби мавзуларда давра сўхбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар, очик мулоқотлар ўтказмоқдамиз. Албатта, бу борада олиб бораётган ишларимиз яхши са-

мара бермоқда. Шундай бўлса, бу борадаги ишларни янада кучайтиришга эмас, аксинча олдини олиш учун ҳароқат қилишимиз зарур. Зеро, соғлом фарзанд соғлом онадан дунёга келади. Ёшларда соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга тўқинлик қиладиган ота-оналар иштироки рағбатлантиришдек ишлар замирида, аввало, баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мумкин.

Демак, никоҳдан олдин тиббий кўриқ нафақат зарурат, балки бахтиёр оила барпо этиш кафолатларида биридир. Тўйнинг бошқа ташкилий томонларида қандайдир камчиликка йўл қўйилса бу келажакда ёшлар бахтли бўлишига ҳеч қандай тусиқ бўлмайди. Масалан, сарполар бироз кам бўлса, тўйда ун нафар эмас, бир нафар хонанда хизмат қилса, катта гуруҳ эмас, бир нафар оператор тўйни тасвирга олса... булар ҳаммаси унутилади, бахтимизга соя солмайди. Аммо келин ёки куёв хасталиги тўйдан кейин маълум бўлса...

**Салоҳиддин ИСОМИДИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истикболли кадрларни тайёрлаш институти тингловчиси.

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

**Маълумки, мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида республикамизда акушерлик ва гинекологик ёрдамнинг барча ҳудудлар бўйича замон талабларига жавоб берадиган яхлит тизими яратилди.**

Бугунги тиббий тараққиёти аҳоли талаби билан узвий боғлиқ бўлиб, шу асосда кундан-кунга ривожланмоқда. Бу жараёнда эса ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга эҳтиёж янада ортмоқда. Жумладан, ихтисослаштирилган тиббий муассасаларида юқори технология диагностика ва даволаш усуллари кўлланилади, шу мақсадда диагностика ва даволаш стандартлари норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, кадрлар малакасини ошириш ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Бундан ташқари, 2018-2022 йилларда аҳолини тўлиқ патронаж хизмати билан қамраб олиш ва тизимли диспансеризацияни амалга ошириш, оналар ва болалар скрининг хизматидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ҳамда тиббий-генетик хизматлар кўрсатиш кўзда тутилган. Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури эса фикримиз тасдиғидир. Айтиш жоизки, ўтган йилнинг 28-29 ноябрь кунлари ўтказилган Ўзбекистон акушер-гинекологларининг IX съездида ҳам йиллар мобайнида самарадорлиги илмий жиҳатдан исботланган "Соғлом она — соғлом бола муҳофазаси мил-

лий модели" хусусида сўз юритилди. Съезд ишида гинекология ва перинатология соҳасидаги долзарб масалалар, амалиётга татбиқ этилаётган илмий янгиликларга оид 133 та маъруза эшитилди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2015 йилги хулосаларига кўра мамлакатимизда оналар ўлими даражаси Ўрта Осиё ҳудуди бўйича энг past натижани кўрсатган. Ўз ўрнида бу натижага нафақат марказий шаҳарларда, балки барча туманларда, ҳатто марказдан узоқда жойлашган ҳудудларда ҳам бирламчи акушерлик ёрдамини ташкил этиш орқали эришилди, дейиш мумкин. Бугунги кунда мазкур фаолиятларда, яъни аёллар репродуктив саломатлигини сақлаш ва тиклашда юқори технологияли жарроҳлик, ташхислаш ҳамда даволаш усуллари татбиқ этил-

моқда. Анжуман натижаларига кўра, оналар ва болалар муҳофазаси соҳасида истиқболдаги вазифа ва бажариладиган ишлар режалаштириб олинди. Акушерлик, гинекология ва перинатология соҳасида эришилган ютуқлар мамлакатимиз ҳамда Германия, Италия, Испания, Чехия, Исроил, Туркия, Россия, Украина, Беларусь мамлакатлари мутахассислари томонидан муҳофаза қилинди. Съезд якунида резолюция қабул қилиниб, Ўзбекистон акушер-гинекологлар ассоциациясининг янги бошқарув вакиллари тайинланди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур анжуман акушер-гинекологлар малакасини янада ошириш, оналар ва болаларга кўрсатиладиган ёрдамни янада такомил-



Муносабат

лаштиришга хизмат қилади. Ўртага ташланган ва ҳамкорлик доирасида амалга ошириладиган фаолиятлар эса оналар, гўдаклар ўлимини камайтиришга муносиб ҳисса қўшиши шубҳасиз.

**Маҳмуда КАТТАХАДЖАЕВА,**  
Республика аҳоли репродуктив саломатлиги маркази директори.


## Жараён

# ЮРАК ХАСТАЛИКЛАРИ САМАРАЛИ ДАВОЛАНМОҚДА

**Самарқанд вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг рентгенэндоваскуляр хирургия бўлимида юрак қон-томир касалликлари диагностикаси ва жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилмоқда.**

2017 йил июнь ойида фаолият бошлаган бўлим юрак қон-томир касалликларини аниқлаш ва самарали даволашда қўлланиладиган замонавий "ангиограф" аппарати билан таъминланган. Ўтган давр мобайнида бу ерда 200 га яқин мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилди.

— Муассасамиз қатор давлатлардаги етакчи клиникалар билан ҳамкорлик алоқаларини йилга кўйган, — дейди



**рентгенэндоваскуляр жарроҳ Файзулла Иброхимов.** — Хорижий ҳамкасбларимиз ишти-

роқида ўтказилаётган жарроҳлик амалиётларида янгича даволаш усуллари қўллаш

бўйича тажриба алмашиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Бу каби қулайликлардан

аҳолининг тиббиётга бўлган ишончи янада ортмоқда.

Ў.А.

## Соғлом турмуш тарзи

# ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

**Соғлом турмуш тарзи — бугуннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу боис, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш ва жисмоний фаолликни ошириш, спиртли ичимлик ҳамда тамаки маҳсулотлари истеъмоли каби зарарли одатларга қарши кураш чораларини кенг тарғиб қилишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.**

Жумладан, тўғри овқатланиш қоидалари борасида ҳам ана шундай дейиш мумкин. Овқатланиш — тиббий нуқтаи назардан ёш, тана тузилиши, иқлим ёки касаллик бўлса унинг тури ва давридан келиб чиқиб турли хил тартиб ва таркибда тавсия этилади. Бироқ, кўпчилик "рационал овқатланиш" деганда, мазали, тўйимли, юқори калорияли таомларни истеъмол қилишни назарда тутди. Аммо, кузатувлар шунки кўрсатадики, юқори сифатли ун маҳсулотлари ва ҳайвон ёғидан тайёрланган таомлар ҳамда ширинликларни меъеридан ортқ таноув қилиш инсон организмнинг қатор аъзоларида касалликлар пайдо бўлишига олиб келади. Сабаби, бу каби таомлар тана вазни ортиши — семизлик, қонда холестерин миқдори ошиши, жигарни ёғ босиши, ошқозон ости бези хасталиklarини келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Натижада, меҳнат фаолияти сустайиб, ҳаёт сифати ёмонлашади. Негаки, улар истеъмолдаги меъёр ортинчи орга-

низмда оксил, углевод, ёғлар мувозанати бузилишига хизмат қилади.

Тиббиётда ҳазм аъзолари (ошқозон-ичаклар, жигар ва ўт пуфagi, ошқозон ости бези) касалликларини гастроэнтерология фани ўрганади. Республикаимизда ҳазм аъзолари касалликлари кўп тарқалган бўлиб, меъданинг яллиғланиши — гастритлар, ўн икки бармоқ ичак яраси ва яллиғланиши — дуоденит, ингичка ва йўғон ичак яллиғланиши — энтероколитлар, жигар ва ўт пуфagi яллиғланиши — гепатит ва холециститлар, ошқозон ости бези яллиғланиши — панкреатитлар ва бошқа шаклларида учрайди. Ҳазм аъзолари касалликлари келиб чиқишида турли физик, кимёвий, микробиологик омилларнинг салбий таъсирлари, спиртли ичимликлар, айниқса, рационал овқатланиш тартиби бузилиши сабаб бўлади. Овқат таркибидида кўп миқдорда аччиқ, шўр, ёғли, дудланган, нордон маҳсулотлар бўлиши эса хасталикнинг ривожланишига замин яратади. Ушбу касалликларни даволаш мажмуасида дори-дармонлар, физиотерапия, фито-

терапия (шифобахш ўтлар ёрдамида даволаш) қаторида шифобахш овқатланиш — диетотерапия ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шифобахш овқатланиш меъёридагидан ўзининг таркиби ва тайёрлаш усуллари билан фарқ қилади. У касал организмнинг озика моддаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаши, яъни физиологик томондан тула қимматга эга бўлиши ва касал аъзонинг функциясини тиклашга ёрдам бериши керак. Шифобахш овқатланиш ҳар бир касалликнинг ўзига хос хусусиятлари, клиник кечишини ҳисобга олган ҳолда тузилади ва унинг маълум даврига мўлжалланади. Чунки парҳез таомлар таркиби ва миқдори маълум чекла-нишларга йўл қўйилгани учун уларни беморга узоқ муддатга буюриш мумкин эмас.

Ҳазм аъзолари касалликларида куйидаги таом ва овқат маҳсулотлари тавсия этилмайди: иссиқ нон ва нон маҳсулотлари, ёғли гўшт, қовурилган таомлар, кучли гўшти шўрвалар, жўхори, перловка ёрмалари, мош, нўхатдан тайёрланган таомлар, нордон, шўр, аччиқ дудланган маҳсулотлар, спиртли ва газли ичимликлар, аччиқ чой, қахва, какао, музқаймоқ. Шунингдек, мол ва қўй ёғи, консерва маҳсулотлари, маргаринда тайёрланган маҳсулотлар, хом мевалар, пиёз, саримсоқ, турп, маринов-



ка қилинган маҳсулотлар, шоклад ва тез тайёрланадиган таомларни ҳам истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Тавсия этиладиган озуқа маҳсулотлари ва таомлар: бир кун олдинги ёки қуритилган нон, қуруқ печенье, қайнатилган мол гўшти, тухум, эзиб яхши пишган макка ёрмаси, гуруч, сули, қора буғдой бўтқалари (ширгуруч, шовла, ширқовок, макка бўтқаси), ёвғон хўрда, ширали шўрвалар, буғда пишган гўшти таомлар, қайнатилган тил, жигар, дуюхқада пиширилган гўшт, кефир, ёғсиз қатик, қаймоқ, чучук пишлоқ, чала пишган тухум, эзилган картошка, пиширилган қовоқ, сабзи, лавлаги ва чучук

помидорлар. Усимлик ёғида димланган таомлар, пишган сабзавотлардан турли салатлар, ширин меваларни пишириб ёки димлаб тайёрланган десертлар, асал, мураббоблар, шакар, шунингдек, суяқ чой, кисель, ширин шарбатлар, наъматак суви ва минерал сувлар тавсия этилади.

**М. КАРИМОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ошқозон-ичак касалликлари бўлими илмий раҳбари, тиббиёт фанлари доктори.

Родителям на заметку

# ЕДИМ САМОСТОЯТЕЛЬНО

В начале **второго года** малыш может похвастать достижениями в психическом и моторном развитии. Как раз к этому времени у ребенка появляется стремление к самостоятельности. Во время кормления это проявляется в том, что малыш тянется ручками за ложкой, делая первые неловкие попытки зачерпнуть пищу и поднести ко рту. Скорее всего, каша окажется где угодно – на ушах, в носу, на одежде, на маме, но только не там, куда ее так старательно пытался донести малыш. Но это нестрашно. Ценно стремление его к самостоятельности, которое необходимо поддержать. Увы, нам проще покормить самостоятельно – так быстрее и еда не успевает остыть, и малыш остается минимально чумазым. В год и два – год и три месяца надо хоть иногда давать ребенку в ручку ложку, при этом другой кормить его. Сначала пусть учится зачерпывать только густую пищу. Управляться с едой самому, хоть и с помощью взрослого, ребенку очень нравится. Это повышает интерес к еде, и малыш охотно садится за стол. Но его с самого начала надо учить держать ложку обязательно в правой руке, на первых порах за середину черенка, обхватывая сверху всеми пальцами.

Когда ребенок научится есть самостоятельно густую пищу, можно учить его есть и суп. К двум годам в темпе частых тренировок он уже сможет полностью справиться с обедом. Ес-

тественно, что он еще не будет так ловок, чтобы есть, не обливая одежду и не роняя часть пищи. А на что нам слюнявчико-нагрудники? Очень важно не упустить благоприятный момент для формирования навыка есть самостоятельно. Позднее, когда возрастает заинтересованность в занятиях с игрушками и более разнообразными становятся действия с ними, интерес к манипуляциям ложкой пропадет, и тогда научить малыша есть самостоятельно будет значительно труднее. Так у ребенка закрепляется привычка к тому, что его постоянно кормят взрослые.

Малыш учится есть первое и второе блюдо с хлебом, не лизать в тарелку руками, помогать кусочком хлеба, если не удаётся взять пищу ложкой, мясное блюдо есть одновременно с гарниром.

На **третьем году** движения ребенка становятся более координированными, благодаря этому он может овладеть более сложными навыками, в частности, научиться правильно держать ложку во время еды. Теперь он умеет аккуратно есть, и нагрудник ему уже не нужен. А бумажная салфетка может пригодиться. Во время еды ребенок будет пользоваться ею, вытирая рот и руки.

Малышу небезразлично, как выглядят те или иные кушанья. Привлекательный вид еды и ее приятные вкусовые качества способствуют хорошему аппетиту. Подавая второе блюдо, его не надо заранее мельчить (кот-

лету, например, или запеканку), лучше это сделать после того, как ребенок увидит его целиком. Детей надо учить тщательно пережевывать пищу. Если этому не уделять внимания, ребята привыкнут глотать плохо прожеванную пищу, что затрудняет пищеварение.

Малыш твердо должен усвоить правила: нельзя выходить из-за стола с куском хлеба в руках или с полным ртом непрожеванной пищи, по окончании еды надо благодарить взрослого и, встав из-за стола, задвигать свой стульчик. Этому чудно учат в саду, но когда малыш до школы дома, роль воспитателя детского сада ложится на вас.

**Поведение за столом**

Не стоит большого труда научить ребенка правильно вести себя за столом: нельзя пить из тарелки, играть пищей, катать шарики из хлеба, крошить его, строить из каши или картошки тоннели, «реки молочные», «кисельные берега» (что часто наблюдается у детей с понижен-

ным аппетитом и богатой фантазией), нельзя болтать под столом ногами.

В детском учреждении дети едят с завидным аппетитом, и проблемы, как накормить их, обычно не возникает. Этому в немалой степени способствует их самостоятельность, пример других детей, режим, разнообразный рацион питания.

Некоторые детки уже в два года, не только прекрасно управляются с обедом, но и во время еды не пачкают одежду. Старательно наклоняют голову, вытягивая губки. Как правило, это те детишки, которых и дома учат есть аккуратно. Да и во всем остальном эти дети вполне самостоятельны, опрятны.

Но бывает и иначе, особенно когда у ребенка в течение длительного времени аппетит остается пониженным. Не все родители в таком случае поступают правильно. Вместо того чтобы подумав об изменении меню, объема порций, переждать время или посоветоваться с врачом, они хитрят, лишь бы накормить ребенка, лишь бы он съел лишнюю ложку, лишний кусочек, хотя в действительности никакая реальная опасность ему не грозит. Так бывает с малышами, родившимися с небольшим весом и на протяжении трех лет физически плохо развивающимися или болезненными. В семье все стараются давать малышу пищу покалорийнее. Ребенок не съедает того, что ему предлагается, а родные всеми средствами заставляют его есть. У малыша появляется отвращение к еде.


Как только приближается время обеда или завтрака, он начинает капризничать, прятаться под кроватью или за занавеской. Его находят и тащат к столу. Чем больше настойчивость проявляют родители, чтобы накормить малыша, тем больше растет его сопротивление. Вскоре появляется привычная рвота. В результате в три года ребенок имеет вес годовалого ребенка. К этому времени у него появляются новые способы борьбы: он начнет кричать и падать на пол всякий раз, когда его будут звать есть. Привычка закатывать истерику закрепится. И всегда, когда ребенок будет в чем-то виноват, он станет истерически кричать, чтобы предотвратить наказание. Детский сад и коллектив детей избавят такого малыша от дурных привычек. Видя, как едят другие дети, он станет стараться не отставать от них. Потребуются большая воспитательная работа и с малышом, и с его родителями.

Повышает интерес ребенка к еде участие его в приготовлениях к завтраку, обеду или ужину. На третьем году жизни ребенок уже может помочь взрослым накрыть на стол: разложить приборы, салфетки, поставить хлебницу. Можно назначать малыша дежурным, как это делается в детском саду. При этом, конечно, не следует поручать маленькому ребенку расставлять бьющую посуду; он еще недостаточно ловок, а неудача доставит ему огорчение.



## ВРЕДНАЯ ГАЗИРОВКА

Если малыша не приучать к газировке, когда ему привычнее пить кипяченую воду или компот, то можно избежать многих проблем. К сожалению, сами родители дают ребенку попробовать газированный напиток и формируют вкус малыша. А дети быстро влюбляются



в газировку, ведь она сладкая, да еще так смешно шипит. Родители видят свою выгоду – такие напитки дешевле и срок хранения у них дольше. Но при всей популярности газировки, напиток этот далеко не безобиден!

Обычная сладкая газированная вода (не минеральная), которая в огромном количестве представлена на прилавках наших магазинов, не содержит ни витаминов, ни минеральных веществ, так нужных растущему организму, если, конечно, она не является специально разработанной и обогащенной витаминами (в таком случае на этикетку выносятся соответствующая маркировка). Зато в ней в полном объеме присутствуют консерванты (например, бензойная кислота E211), ароматизаторы (в подавляющем большинстве синтетические, а не натуральные) и красители. Такая вода очень плохо действует на работу желудочно-кишеч-

ного тракта. Для детей она вдвойне вредна, так как у них еще не сформирован взрослый тип секреции желудка – она у них более низкая, а лимонады еще более снижают кислотообразование. Красители могут вызвать аллергические реакции, а один из ингредиентов газировки – углекислый газ (диоксид углерода) – вызывает отрыжку, вздутие кишечника и другие нежелательные явления в организме.

Сахар, в большом количестве присутствующий в газированной воде, провоцирует другую неприятность – кариес. И даже если вы будете чистить зубы два раза в день и полоскать рот после стакана газировки, это лишь уменьшит, но не устраним вредное влияние этого продукта и не обеспечит должной защиты. Если же производители вместо сахара добавляют сахарозаменители, для малыша лимонад не становится полезней – такой напиток с содержанием «химии»

давать ребенку до трехлетнего возраста нельзя.

По большому счету, даже с пятилетнего возраста педиатры не разрешают пить малыша газировкой постоянно, только в очень жаркое время, а в обычные дни угощать чадо такой водой можно не чаще одного раза в 7-10 дней. Лучше утоляйте жажду ребенка с помощью соков, морсов, чая и минеральной воды – эти напитки гораздо полезней и выше по своей пищевой ценности.

**Необъективная реклама**

Газированная вода противопоставлена людям, склонным к полноте, страдающим сахарным диабетом, заболеваниями желудочно-кишечного тракта и печени. Ученые обнаружили связь между потреблением сладкой газировки и образованием камней в почках. Ими высказывается предположение, что этому способствует фосфорная кислота, которую используют для подкисления некоторых напитков.

Самое неприятное, что газированная вода не выполняет и самой главной своей функции, – не утоляет жажду. Она не устраняет так называемую «остаточную сладость». Это значит, что чем больше пьешь такую воду, тем больше хочется пить. Просто обман какой-то!

Думается, что большой популярности газированных напитков способствует агрессивная реклама этого продукта, осаждающая экраны наших телевизоров, а вовсе не объективная ее ценность. Реклама глумливо называет газированные напитки «легкими», что совершенно не соответствует действительности.

Если вы оценили вред газировки, и готовы отучить малыша от нее, исключите газировку и из собственного рациона. Утоляйте жажду лучше не во вред здоровью.

**Подготовил Н. ТОЛИПОВ по материалам из интернета.**

### Объявления

Республика Узбекистан Проект «Модернизация онкологических учреждений Республики Узбекистан» Международные конкурсные торги №UZB-063/ICB/02-Re «Закупка радиотерапевтического оборудования для онкологических учреждений Республики Узбекистан»					
Результаты проведения вышеуказанных торгов, которые были объявлены: 15 июля 2016 года в международной газете «The Guardian» (Великобритания) 15 июля 2016 года в газете «O'zbekistonda sog'liqni saqlash» 13 июля 2016 года на сайтах ИБР, Министерства здравоохранения, РВЭГП «O'zmedexport» и Tenderweek.uz 16 июля 2016 года в газете «Народное слово»					
Лот №	Название закупаемого оборудования	К-во	Победитель торгов	Страна	Стоимость присужденного контракта
1	Аппарат для дистанционной гамма-терапии	11	«UJP Praha a. s.»	Чехия	6 499 966,00 долл. США
2	Аппарат для внутритрельевой гамма-терапии	7	«MN Medical O»	Эстония	3 165 372,00 Евро

Republic of Uzbekistan «Support to Development of Oncology Services in the Republic of Uzbekistan Project» International Competitive Bids no. UZB-063/ICB/02-Re «Procurement of radiological equipment for oncology centers of the Republic of Uzbekistan»					
Bidding Results of above ICB advertised in: 15 July 2016 in international newspaper «The Guardian» (Great Britain) 15 July 2016 in newspaper «O'zbekistonda sog'liqni saqlash» 13 July 2016 on the websites of ISDB, Ministry of Health, RSFEE «UZmedexport» and Tenderweek.uz 16 July 2016 in newspaper «Narodnoe slovo»					
Lot №	Description of equipment to be supplied	Q-ty	Winner of the bidding	Country	Awarded contract amount
1	Gamma-therapy equipment	11	«UJP Praha a. s.»	Czech Republic	6 499 966,00 USD
2	Intracavitary gamma-therapy equipment	7	«MN Medical O»	Estonia	3 165 372,00 Euro

## ИМКОНИАТ

ПАХТАБОДДАГИ 30 ЙИЛЛИК  
ШИФОХОНАНИНГ ЯНГИ КЎРИНИШИ

Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги Маданият қишлоғида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли ҳудудий шифохона фойдаланишга топширилди. Муассаса поликлиника, тез тиббий ёрдам хизмати, туғруқхона, ички касалликлар ва болалар касалликлари бўлимларидан иборат.

Президентимиз 2017 йил 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасалари учун мослаштирилган янги бинолар қуриш, уларни замонавий жиҳозлаш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини янада ошириш бўйича вазифалар белги-



қурувчилари томонидан барпо этилди.

— Шифохонадаги шароитлар ҳар қандай кишининг ҳавасини тортади, — дейди «Саноат» маҳалласида яшовчи ёш она **Шаҳноза Қосимова**. — Энди узок йўл босиб, туман ё вилоят марказига бориб юришимизга ҳожат қолмади. Кишлоғимизнинг ўзида шаҳардан қолишмайдиган тиббий хизмат йўлга қўйилди. Чекка қишлоқларда аҳоли, айниқса, оналар ва болалар саломатлигини мустақамлашга қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан миннатдормиз.

**Фахриддин  
УБАЙДУЛЛАЕВ,  
Зухриддин УМУРЗОҚОВ  
У.А.**

лаб берган эди.

— Қарийб 30 йилдан буён фойдаланиб келинаётган поликлиника биноси капитал таъмирланди, қўшимча бинолар қурилди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори **Қахрамон Сайдумаров**. — Қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун қарийб 4 миллиард 600 миллион сўм маблаг сарфланди. Натижада 46 мингдан зиёд аҳолига сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятлари янада кенгайди.

Замонавий мазкур объект «Андижон сув дренаж» масъулияти чекланган жамияти



## Обуна — 2018



Ҳурматли муштарийлар!  
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2018 йил учун обуна мавсуми давом этмокда.

Республикамиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларингиз тажрибаси билан танишишни, шунингдек, тиббиёт янгиликларидан хабардор бўлишни истасангиз, севимли газетангизга обуна бўлишни унутманг!  
Нашр индекси: 128.

**Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ**  
Бош муҳаррир ўринбосари  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash — Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.  
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «i» шартли белгиси қўйилди.

Газета  
муассиси:  
**Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги**

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2009 йилнинг 11 март кунини  
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 4998 нусха.  
Буюртма Г-137.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳамми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи **Бахтиёр ҚУШОҚОВ**.

Босмахонага топшириш вақти — 20.00.



## Книжная полка

Новая  
медицинская литература

Новые поступления в Государственную научную  
медицинскую библиотеку МЗ РУз по онкологии



Рациональная фармакотерапия в онкологии: руководство для практикующих врачей / под ред. М. И. Давыдова, В. А. Горбуновой. — М.: Литтерра, 2015. — 844 с. (Серия «Рациональная фармакотерапия»).


В руководстве в систематизированном порядке представлены данные об этиологии, патогенезе, клинических проявлениях, особенностях диагностики и лечения злокачественных опухолей.

Издание предназначено для практикующих врачей, студентов медицинских вузов, слушателей курсов повышения квалификации.

Чебнэр Б.Э. Руководство по онкологии / Брюс Э. Чебнэр, Томас Дж. Линч, Дэн Jl. Лонго; пер. с англ.; под общ. ред. акад. РАЕН, проф. В.А.Хайленко. — М.: МЕДпресс-информ, 2011. — 656 с. : ил.

Издание представляет собой лаконичное, доступное для понимания руководство, в котором освещены этиология, эпидемиология, патогенез, диагностика и лечение злокачественных опухолей различной локализации.

Книга будет полезна онкологам, хирургам, химиотерапевтам, специалистам по лучевой терапии, а также ординаторам и студентам медицинских вузов.



Руководство по химиотерапии опухолевых заболеваний / Под ред. Н.И. Переводчиковой. — 3-е изд., доп. и пер. — М.: Практическая медицина, 2011. — 512 с.

Книга содержит сведения о принципах противоопухолевой химиотерапии, о лекарственных препаратах противоопухолевого действия, а также о методиках химиотерапии основных онкологических заболеваний, как у взрослых, так и у детей.

Руководство предназначено для онкологов, гематологов и врачей других специальностей, занимающихся лечением злокачественных опухолей.

Руководство по химиотерапии опухолевых заболеваний / Под ред. Н.И. Переводчиковой, В.А. Горбуновой. — 4-е изд., расширенное и дополненное. — М.: Практическая медицина, 2015. — 688 с.

Книга содержит сведения о принципах противоопухолевой терапии, о лекарственных препаратах противоопухолевого действия, а также о методиках лекарственной терапии основных онкологических заболеваний, как у взрослых, так и у детей.

Руководство предназначено для онкологов, гематологов и врачей других специальностей, занимающихся лечением больных, страдающих опухолевыми заболеваниями.

Приглашаем Вас посетить Государственную научную медицинскую библиотеку Минздрава Республики Узбекистан по адресу: г. Ташкент, ул. Истикбол, 30 или ознакомиться со списком новых поступлений вы можете на сайте: <http://www.medlibrary.uz/>



## ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Тохир Уташевга берилган № 0429-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Ҳурматли муштарийлар!

Расмий веб-сайтимида ([www.uzssgzt.uz](http://www.uzssgzt.uz)) доимий равишда газетадаги мақолаларни эълон қилиб келмоқдамиз. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентини Фармон ҳамда Қарорлари, шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча буйруқ ва меърий ҳужжатлар матинини «Расмий ҳужжатлар» бўлиmidан топиш имкониятига эга сиз. Бундан ташқари, сизда таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилиш истаги бўлса, [uzss@yandex.ru](mailto:uzss@yandex.ru) манзилига хатлар йўллашингиз мумкин.